



## ҚИЗОТА (ЁШЛИК II) МАЙДОНИНИНГ СТРАТИГРАФИЯСИ

Турдиев Шаҳбоз Шермадат ўғли<sup>1</sup>, Комилов Ботир Асқар ўғли<sup>2</sup>,  
Раббимов Жаҳонгир Шодмонкулович<sup>3</sup>  
Азимов Азамат Фахриддин ўғли<sup>4</sup>

<sup>1</sup> ҚарМIIИ “Фойдали қазилмалар геологияси ва разведкаси”  
кафедраси мудирини тфғд. (PhD) <sup>2,3</sup> ҚарМIIИ “Фойдали қазилмалар  
геологияси ва разведкаси” кафедраси ассистенти <sup>4</sup> ҚарМIIИ  
“Фойдали қазилмалар геологияси ва разведкаси” кафедраси 4-курс  
талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7199049>

### ARTICLE INFO

Received: 27<sup>th</sup> September 2022

Accepted: 01<sup>st</sup> October 2022

Online: 03<sup>rd</sup> October 2022

### KEY WORDS

порфирлар, чўкинди-  
вулканоген жинслар, турней,  
визей, лавобрекчия.

### ABSTRACT

Мамлакатимиздаги рангли металлар маркази ҳисобланмиш АЖ “Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг салоҳияти ва истиқболи катта. Бугунги кунда ушбу комбинатнинг хом-ашё базасини кенгайтириш ва ошиб бораётган талабни қондириш мақсадида Республикаимиздаги мавжуд давлат геологик ташкилотларининг олдига катта талаблар қўйилмоқда. Шу мақсадда янги конларни аниқлаш уларни батафсил ўрганиш, баҳолаш ва разведка ишларини олиб боришга эҳтиёж пайдо бўлмоқда.

Худудда мавжуд чўкинди ва чўкинди-вулканоген комплекслардан ордовик-силур қумтош, сланецлар, девон чўкинди-вулканоген хосилалар, девон-карбон карбонат жинслари, карбоннинг чўкинди-вулканоген жинслари кузатилади. Йирик сув оқимларининг бортларида бўр-палеогеннинг денгиз ва континентал чўкинди жинслари қолдиқлари сақланиб қолган. Олмалиқ тоғ-кон худудининг 60% дан ортиқ қисми тўртламчи давр ётқизиқлари (элювиаль, делювиаль, пролюқиаль ва аллювиаль хосилалар) билан қопланиб ётади. Худуддаги интрузив хосилалар икки ёшдаги гуруҳларга: биринчи – каледон циклига киритилади ва ордовик-силур ётқизиқларини ёриб чиқади, устида эса нисбатан ёш чўкинди-

вулканоген жинслар билан қопланиб ётади. Иккинчиси эса юқори палеозойга киритилиб, карбоннинг чўкинди қатламларини ёриб чиладиган герцин тектогенезига мансуб деб келтирилади. Худудни ташкил қилувчи барча чўкинди-вулканоген жинслар 3 та структуравий қаватларни ташкил қилиб, улар ўзаро денудацион танафус юзалар орқали ажратилади. Биринчи структуравий қават иккита структуравий яруслардан ташкил топган бўлиб, улар нисбатан қадимий геологик хосилаларга киритилиб, худуднинг жанубий ва ғарбий қисмларида кузатилади. Қуйи структуравий ярус жадал дислокацияга учраган ордовик-силур (O-S) даврлари ётқизиқлари ҳисобланиб,



улар қумтош ва турли таркибли сланецлардан ташкил топган. Уларнинг қалинлиги 1500м гача етади.

Юқори структуравий ярус қуйи девон (D1) жинсларидан: юпқа қатламли алевролитлар ва улардаги гравелит, конгломерат линзалари, шунингдек андезит порфирлар, кварцли порфирлар, қумтошлар ва вулканокластик жинслардан ташкил топади. Юқори структуравий яруснинг умумий қалинлиги 400м дан 1000м гача кузатилади.

Иккинчи структуравий қават (D2-C3), девоннинг терриген-карбонат қатламдан (D1-D2) ва карбоннинг вулканоген жинсларидан (C1-C3) ташкил топиб, улар Марказий блокда катта қисми кузатилади, шунингдек Бургундин ва Мискан ўлкан ер ёриқлари оралиғида кузатилади. Структуравий қават Шимолий ва Жанубий блоklarда икки структуравий ярусларга бўлинади. Қуйи структуравий ярус (D2-C1) терриген-карбонат жинслардан ташкил топган бўлиб, уларда ўрта девоннинг живет, франс, фамен ва қуйи карбоннинг турней, визей асрлари ажратилади. Литологик таркиби аркозли қумтошлардан, конгломератлардан, охактошли қумтошлар ва охактошлардан ташкил топади. Умумий қалинлиги 1500м дан 1800м гача ўзгаради. Юқори структуравий ярус (C1-C2) мингбулоқ, ақча ва надак свиталарининг вулканоген-чўкинди жинсларидан ташкил топган. Мингбулоқ свитасининг ётқизиқлари (C1mb), девон-қуйи карбоннинг юқилиб кетган юзасига ётиб, литологик таркиби ўзаро юпқа қатламлашиб келувчи туфлар, туффитлар, мергелли охактошлар, кўмирлашган сланецлар,

қумтошлар ва алевролитлар билан намоён бўлади. Свитанинг умумий қалинлиги 350м гача етади. Ақча свитасининг (C2ak) литологик таркиби конгломератлар, қумтошлар, алевролитлар, кесманинг юқори қисмида базальтли, андезит-базальтли, трахиобазальтли ва андезитли лавалар, лаврбрекчиялар билан алмашади. Ақча свитаси кесмасининг ўрта қисмида қалинлиги 100-110м бўлган конгломерат, қумтош ва алевролитлар кузатилиб, улар устига агломератли лавалар, андезитли, дацит-андезитли порфиритлар, андезит-дацитли порфирлар ва уларнинг туфлари ётади. Кесманинг юқори қисмида йирик бўлакли жинслар, охактошлар, вулканомиктли алевролитлар кузатилади. Ақча свитасининг худуддаги умумий қалинлиги 300м дан 1500м гача ўзгаради.

Ақча свитасини номос равишда надак свитасининг (C3nd) эффузив-чўкинди жинслари қоплаб ётади.

Надак свитасининг кесмасида йирик галечникли ва валунли конгломератлар, вулканомиктли қумтошлар, алевролитлар ва гилли сланецлар, алмашиб келувчи лавалар, дацит ва андезит-дацитли порфир утфларнинг лавобрекчиялари кузатилади. Надак свитасининг қалинлиги 250-300м ни ташкил қилади. Учинчи структуравий қават ётқизиқлари (Mz-Kz) нисбатан қадимий бурмаланган жинсларнинг ювилиб кетган юзасига сал кам горизонтал ҳолатда ётиб, уларнинг литологик таркиби денгиз ва континентал хосилалардан ташкил топган. Уларнинг ичида ракушнякли охактошлар, қум, қумтошлар, гиллар ва



мергеллар ажратилади. Уларнинг қалинлиги 100-120м ни ташкил қилади. Замонавий бўшоқ тўртламчи давр ётқизиқлари худудда кескин ёки жадал тарқалган бўлиб, уларнинг қалинлиги

худуднинг айрим жойларида 120м ни ташкил қилади. Уларнинг литологик таркиби лёсслар ва лёссимон суглинкалар ва хк. лардан ташкил топган.

## References:

1. Бетехтин А.Г., Голиков А.С. Курс месторождения полезных ископаемых. Издательство «Недра», 1964 г.
2. Дорохин И.В., Богачева Е.Н. и др. Месторождения полезных ископаемых и их разведка. Издательство «Недра», 1969 г.
3. Вахромеев С.А., Антипин В.Н. и др. Краткий курс месторождений полезных ископаемых. Издательство «Высшая школа», 1967 г.
4. Смирнов В.И. Геология полезных ископаемых. Издательство «Недра», 1969 г.
5. Татаринов П.М., Карякин А.Е., и др. курс месторождений твёрдых полезных ископаемых. Издательство «Недра», 1975 г.
6. Геология полезных ископаемых Узбекистана. Издательство «Фан», 1998 г. Ташкент. Университет.
7. Рудные месторождения Узбекистана. Издательство «Фан», 2002 Ташкент. ИМП
8. Раббимов Ж.Ш., Дононов Ж.У. Tabiiy gazni dastlabki tayyorlashda jihozlarning ishonchliligiga erishish // Oriental Renaissance: Innovative, Educational, Natural and Social Sciences Scientific Journal. Volume 2 Issue 3 ISSN 2181-1784 Impact factor:5.947 Узбекистон 2022/03 <https://www.oriens.uz/uz/journal/article/tabiiy-gazni-dastlabki-tayyorlashda-jihozlarning--ishonchliligiga-erishish/>
9. Турдиев Ш.Ш., Раббимов Ж.Ш. Qatlamdan kelayotgan oqimni jadallashtirish maqsadida qatlamga kislotali ishlov berish (Murodtepa maydoni misolida) // EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH Узбекистон 2022/03/12 <https://zenodo.org/record/6480734#.YoyFptxBxdg>
10. Комилов Б.А., Раббимов Ж.Ш. Qizota (Yoshlik-II) maydonining tektonik tuzilishini o'rganish // EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH Узбекистон 2022/04/15 <https://zenodo.org/record/6480734#.YoyFptxBxdg>
11. Раббимов Ж.Ш. Uglrodli po'latlarning konstruktiv mustahkamligini va korroziyaga bardoshliligini oshirish // EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH, 2(8), 227–234. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7045370>
12. Раббимов Ж.Ш., Комилов Б.А. Murodtepa maydonida o'tkazilgan sinov ishlarining natijalari // EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH, 2(9), 20–27. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7053971>
13. Турдиев, Ш., Комилов, Б., Раббимов, Ж., Бўриев, С., & Азимов, А. (2022). ҚИЗОТА (ЁШЛИК II) МАЙДОНИНИНГ ГИДРОГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ. Eurasian Journal of Academic Research, 2(11), 242-245. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7180185>
14. Турдиев, Ш., Комилов, Б., Раббимов, Ж., & Бўриев, С. (2022). МУРОДТЕПА МАЙДОНИДА ИЗЛОВ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИНИ БАҲОЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК Кўрсаткичлари. Eurasian Journal of Academic Research, 2(11), 246-250. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7180213>